


Мавзу 5. Сув хұжалиги тизимларидан фойдаланиш ҳуқуқи



МАВЗУ БҮЙИЧА ЎРГАНИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

- 1. Сув омборлари, гидроузеллар ва бошқа гидротехника иншоатларидан фойдаланиш.
- 2. Сув омборларидан фойдаланиш тартиби.
- 3. Сув омборларининг тегишли техник ҳолатини ва ободонлаштирилишини таъминлайдиган тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш .
- 4. Кўл ва бошқа сув ҳавзаларидан сув омборлари сифатида фойдаланиш тартиби.
- 5. Гидротехника иншоатларини мухофаза қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган органлар.
- 6. Гидроузеллар ва бошқа гидротехника иншоатларидан фойдаланиш тартиби

Фойдаланиш учун адабиётлар

- Suv huquqi. Darslik.(prof Usmonov M. Tahriri ostida) Т., 2004-219bet.
- Сваков Д.О. Водное право. Учебно-практическое пособие, М., 2007год.
- Ismoilxo'jaev B., Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi,T., TIQXMMI-MTU nashryoti, 2021 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ma'muriy huquqbuzarlik va javobgarlik, TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ekologik nazorat. TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- R.Quentin Grafton, Karen Hussey “Water resources planning and management”, London 2011, Cambridge University Press p.423
- O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan konsepsiysi. 2020 yil.
- O'zbekiston Respublikasining “Suv va suvdan foydalanish to'g'risida”gi qonuni,1993 yil.
- O'zbekistonning Ichimlik suvi ta'minoti va oqava suvlarni chiqarib yuborish to'g'risida”gi qonun,O'RQ-784, 22iyul, 2022 y.
- O'zbekiston Respublikasi Suv kodeksi ,2023 yil.

СУВ ОМБОРЛАРИ, ГИДРОУЗЕЛЛАР ВА БОШҚА ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Сув омборларини сув билан тўлдириш ва улардан сув чиқариш режими.

- Сув омборларидаги тўғонлар, дамбалар, сув ўтказадиган ва сув оладиган иншоотлар, гидроэнергетика мажмуаларидан ҳамда бошқа иншоотлардан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланиш қоидалари ҳамда сув омборларининг таъсир зоналарида жойлашган сувдан фойдаланувчилар, ер участкаларининг мулқдорлари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларини, шунингдек, экологик сув чиқаришни ҳисобга олинган ҳолда сув омборларини тўлдириш ва улардан сув чиқариш борасида белгиланган режимга риоя қилиши шарт.
- Сув омборлари турли сувдан фойдаланувчиларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришни тартибга солиш мақсадида барпо этилади.
- Сув омборларини сувга тўлдириш ва улардан сувни чиқариш режими, сув сатхининг ўзгариш режими, гидроузел орқали сув ўтиш режими, қемаларнинг bemalol ва хавфсиз ўтиши, шунингдек, балиқларнинг уруғ ташлайдиган жойларга ўта олишини таъминлаш сув омборларидан фойдаланиш қоидалари билан белгиланади.

Сув омборларидан фойдаланиш тартиби.

Сув омборларидан фойдаланиш тартиби Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги обьектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси

Ва бошқа манфаатдор органлар билан келишилган ҳолда, ҳар бир сув омбори, сув омборлари тизмаси ёки тизими учун

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган сувдан фойдаланиш тартиби қоидаларда белгиланади.

Сув омборларини техник ҳолатини ва ободонлаштирилишини таъминлайдиган тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш

- Сув омборларининг тегишли техник ҳолатини ва ободонлаштирилишини таъминлайдиган тадбирларни уюштириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш сув хўжалиги органлари ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш органлари томонидан амалга оширилади.
- **Кўл ва бошқа сув ҳавзаларидан сув омборлари сифатида фойдаланиш тартиби.** Кўллар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартиби ушбу Кодекс ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ уларнинг мақомига қараб (сув омборлари сифатида фойдаланиш, рекреация ёки муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифасига киритиш) амалга оширилади.

Гидротехника иншоотларини мұхофаза қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган органлар.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат (республика) мулки бўлган гидротехника иншоотларининг ҳамда республика ва ҳудудий энергетика тизимига кирувчи корхоналар гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлайди, шунингдек, қонунчиликка мувоғик гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари сув ресурсларидан фойдаланишда ва табиатни мұхофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлайди, шунингдек, қонунчиликка мувоғик гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги обьектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси гидротехника иншоотларининг мұхофаза қилинишини ташкил этиш устидан назоратни амалга оширади.

- **Гидроузеллар ва бошқа гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тартиби**
- Дарёлар, сойлар, каналлар ва коллекторлардаги сув хўжалиги органлари томонидан фойдаланиладиган гидроузеллар ҳамда бошқа гидротехника иншоотлари давлат мулки бўлиб, улардан белгиланган тартибда фойдаланилади.
- Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, шунингдек, сувдан бошқа фойдаланувчиларнинг гидромелиорация тармоғидаги гидротехника иншоотлари, шу жумладан, суғориш каналлари ва коллектор-дренаж тармоқлари сувдан фойдаланувчилар томонидан мансублиги бўйича ишлатилади.
- Сув хўжалиги органлари сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳамда бошқа сувдан фойдаланувчилар билан шартномавий асосда гидромелиорация тармоғига ва ундаги иншоотларга техник хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олиши мумкин.

Сувдан махсус фойдаланиш ҳуқуқи

- Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сувдан фойдаланиш сувдан махсус фойдаланишдир.
- Сувдан махсус фойдаланишга айрим ҳолларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сувдан фойдаланиш ҳам киритилиши мумкин

- **. Сувдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи рухсатнома.**
- Қуйидаги ҳолларда сувдан махсус фойдаланиш рухсатнома асосида амалга оширилади:
 - сув олиш иншоотларидаң фойдаланган ҳолда, сув объектларидан бир суткада 5 метр кубдан күп миқдорда сув олишда;
 - оқова ва коллектор-дренаж сувларини сув объектларига ва рельефга оқизиша.
- Сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома:
 - ер усти табиий сув объектларидан сув олишда – сув хўжалигининг ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда экология ва атроф мұхитни мұхофаза қилиш бўйича ҳудудий органлар томонидан;
 - ер ости, минерал ва термал сувларни олишда – экология ва атроф-мұхитни мұхофаза қилиш бўйича ҳудудий органлар билан келишилган ҳолда геология ва минерал ресурслар бўйича органлар томонидан берилади.
- Сунъий сув объектлари сувидан фойдаланилганда сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома талаб қилинмайди.
- Сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Сув хўжалиги тадбирларини ўтказиш, сувдан фойдаланиш шартлари, тўхтатилиши ёки ўзгартирилиши натижасида етказилган заарнинг ўрнини қоплаш

- . Юридик ва жисмоний шахсларга сув хўжалиги тадбирларини (сув объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини ва бошқаларни) ўтказиш, сувлардан нооқилона фойдаланиш, уларни булғатиш, ифлослантириш, камайтириш, сувдан фойдаланиш шартларини қонунга хилоф равишда бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган заарнинг ўрни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қопланади.
- Сув объектларининг соҳил бўйи мінтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида қонунга хилоф равишда қурилган объектлар ҳамда қонунга хилоф равишда ўзлаштирилган ер участкаларида сув хўжалиги тадбирларини ўтказиш чоғида етказилган заарнинг ўрни қопланмайди.

Сувдан алоҳида ва биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи:

- Сув объектлари танҳо ёки биргаликда фойдаланишда бўлиши мумкин.
- Ўзларига фойдаланишга берилган ва бошқа жисмоний ёки юридик шахслар фойдаланишига йўл қўйилмайдиган сув объектлари ёхуд уларнинг бир қисмида юридик ёки жисмоний шахснинг сувдан фойдаланиши сувдан танҳо фойдаланиш ҳисобланади.
- Бир нечта юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг уларга фойдаланишга берилган сув объектлари ёки уларнинг бир қисмида сувдан биргаликда фойдаланиши сувдан биргаликда фойдаланиш ҳисобланади.
- Сув объектлари танҳо ёки биргаликда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёхуд тегишли ваколатга эга давлат органи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ ёки қисман берилади.
- Сувдан маҳсус фойдаланиш рухсатномасига асосан танҳо ва биргаликда фойдаланилади.
- Танҳо ёки биргаликда фойдаланишга берилган сув объектларида сувдан умумий фойдаланишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган шартлар асосида йўл қўйилади.
- Танҳо ва биргаликда фойдаланиш учун берилган сув объектлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланадиган тартибда қайтариб олинади.

СУВНИ ТАҚСИМЛАШ ҲУҚУҚИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАСЪУЛИЯТИ

:

- **Сув олиш квотаси.**
- Сув олиш квотаси сув хўжалиги органлари томонидан берилади.
- Сувдан махсус фойдаланиш учун табиий сув ҳавзаларидан сув олиш квотаси ушбу Кодекснинг 25-моддасига мувофиқ ваколатли органлар руҳсатномаларида белгиланади.
- Ажратилган квота унинг амал қилиш муддати давомида қайта кўриб чиқилмайди, истеъмол қилинадиган сув миқдорига таъсир кўрсатадиган суғориладиган участка майдони, ишлаб чиқариш қувватлари ўзгартирилган ҳолатлар бундан мустасно.
- Сув олиш учун квоталарни ажратишда санитария ва экологик мақсадлар учун сув чиқариш талаблари ҳисобга олиниши зарур.
- Ичимлик суви таъминоти ташкилотларига улар ичимлик суви таъминотини амалга оширишлари учун зарур миқдордаги сув учун квота ажратилади.
- .

Суғориладиган дәхқончилик учун сув олиш квотаси

- **Суғориладиган дәхқончилик учун сув олиш квотаси.** Суғориладиган дәхқончилик учун сув олиш квотаси суғориладиган ер участкаси майдонини бир гектар суғориладиган ер учун квота ажратиш нормативларига кўпайтириш орқали ҳисобкитоб қилинади.
- Бир гектар суғориладиган ер учун квота ажратиш нормативи мазкур гидрографик зонадаги суғориладиган дәхқончилиқда сўнгги ўн гидрологик йил давомида амалда олинган сувнинг йиллик ўртacha миқдорининг (кубометр) ушбу зонадаги жами суғориладиган майдонга (гектар) нисбати орқали ҳисобланади.
- Бир гектар суғориладиган ер учун квота ажратиш нормативи сув хўжалиги органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади ва бир йилда бир марта қайта кўриб чиқилиши мумкин.
- **Суғориладиган дәхқончилик билан боғлиқ бўлмаган сувдан фойдаланиш учун сув олиш учун квотаси.** Суғориладиган дәхқончилик билан боғлиқ бўлмаган сувдан фойдаланиш учун сув олиш учун квотаси сув хўжалиги органлари (ер усти сувлари) ва геология органлари (ер ости сувлари) томонидан сувга бўлган эҳтиёжнинг технологик нормалари асосида берилади.

Сув олиш квотасининг амал қилиш муддати:

- Суғориладиган дәхқончилик мақсадида сув оладиган ва ерни ижара шартномаси асосида тасарруф этадиган сувдан фойдаланувчилар учун – ижара шартномаси амал қиласидиган муддатга, аммо 10 йилдан күп бўлмаган муддатга;
- Суғориладиган дәхқончилик мақсадида сув оладиган бошқа сувдан фойдаланувчилар учун - 10 йилга;
- Суғориладиган дәхқончилик билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда сув оладиган сувдан фойдаланувчилар учун – 10 йилгача муддатга;
- Ичимлик суви таъминоти ташкилотларидан ташқари сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома асосида сув оловчи жисмоний ва юридик шахслар учун – рухсат берувчи ҳужжатнинг амал қилиш муддатига белгиланади.
- Сув олиш квотаси ичимлик суви таъминотини амалга оширувчи ташкилотларга муддати чегараланмаган ҳолда белгиланади.
- Сувдан фойдаланувчининг аризасига мувофиқ, квотанинг амал қилиш муддати янада қисқа муддатга белгиланиши мумкин.

Сув етказиб бериш шартномаси:

- Сувдан фойдаланувчи ва сув етказиб берувчи ўртасидаги тузиладиган шартнома асосида сув етказиб берилади.
- Сув етказиб берувчи сувдан фойдаланувчидан сўровнома олганда, агар улар хизмат кўрсатиладиган зонада жойлашиб, сув олиш квотасига эга бўлса, у билан сув етказиб бериш шартномасини тузиши шарт.
- Шартномада сув етказиб бериш квотаси, етказиб бериладиган сув миқдорини йиллик ёки мавсумий сув олиш лимитига қараб, етказиб бериладиган сув миқдорларига тузатишлар киритиш механизмлари, сув етказиб бериш учун тўлов миқдори ва механизмлари, шунингдек, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари келишилади.
- Сув етказиб бериш учун шартномаларнинг намунавий шакли Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан (ичимлик ва хўжалик-маиший сув таъминотида сувдан фойдаланиш бундан мустасно) Узбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (табиий сув обьектларидан сув олишда) ва Узбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувларидан сув олишда) билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

- Қуидагиларнинг мавжуд бўлиши сув етказиб бериш учун шартнома тузишда мажбурий талаб ҳисобланади:
- сув олиш квотаси;
- сув олиш нуқталарининг сувни ўлчаш ва бошқариш қурилмалари билан жиҳозлангани (томорқа ер участкалари бундан мустасно).
- Томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари талбларига мувофиқ шартномада белгиланади.
- Сув етказиб бериш шартномасида назарда тутилган шартлар бузилганда, сув етказиб берувчи сувдан фойдаланувчини сув билан таъминлашни тўхтатади. Етказиб берувчи, агар сувдан фойдаланувчи уч ой давомида сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўламаса, сув етказиб беришни тўхтатиши мумкин.

- Сув етказиб берувчи, агар сув етказиб бериш шартномасида ва жадвалида белгиланган миқдорда ҳамда муддатда сув етказиб бермаса, сувдан фойдаланувчига компенсация тўлаши шарт, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:
 - форс-мажор ҳолатлари;
 - сувдан фойдаланувчи томонидан сув етказиб бериш шартномасидаги шартлар бажарилмаган ҳолатлари.
- Сувдан фойдаланувчига сув миқдори етказиб берилмагани учун компенсация тўланишини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.
- Сув етказиб бериш шартномаси томонларнинг ўзаро келишувига ёки суд қарорига кўра бекор қилиниши мумкин.

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ВА СУВ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ва МАЖБУРИЯТЛАРИ

-
- **Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари:**
- сув обектларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш;
- сувдан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш учун иншоотлар, қурилмалар ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш;
- берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;
- сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича белгиланган миқдорда сув етказиб берилишини талаб қилиш ва олинмай қолган сув учун компенсация талаб қилиш, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;
- сув ресурсларини бошқаришга оид қарорлар кабул қилинишида иштирок этиш;
- манбанинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлилигидан келиб чиқсан ҳолда сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;
- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, шу жумладан белгиланган сув олиш лимитлари ва сув бериш режимига мувофиқ сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.
- сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқа бирлашмаларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш ҳуқуқига эгадир;
- Сувдан фойдаланувчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Сувдан фойдаланувчилар ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади. Сувдан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим.

Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини чеклаш.

Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда аҳоли соғлигини сақлаш, атроф мухитни муҳофаза қилиш, миллий хавфсизликни таъминлаш, сув танқислиги, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин. Бунда аҳолининг ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжлари учун сув обьектларидан фойдаланиш шароитлари ёмонлашмаслиги лозим.

Сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан танҳо фойдаланиш ҳуқуқи ушбу сув обьектини танҳо фойдаланишга берган ваколатли орган томонидан, сувдан маҳсус фойдаланиш ҳуқуқи эса кўрсатилган сувдан фойдаланишга рухсатнома берган ваколатли органлар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чекланиши мумкин.

ЭТЬИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ